

# XXI АСР - ИНТЕЛЛЕКТУАЛ АВЛОД АСРИ

илмий-амалий анжумани  
материаллари

Қарши -2015

piyoz keltirildi. Piyoz necha kg?

3.Omborga 10 qopda 500 kg bug'doy va shunday 8 qopda arpa keltirildi. Arpa necha kg keltirilgan?

Bu kabi topshiriqlardan tizimli foydalanish o'quvchilar tafakkur tezligini shakllantirib, bilish faoliyatini faollashtirishga xizmat qiladi. Shu bilan birga boshlang'ich sinf o'quvchilarida matematika faniga nisbatan qiziqish oshib boradi.

## ЎҚУВ МАТЕРИАЛИНИ ТИЗИМЛАШТИРИЛИШИГА ТАХЛИЛИЙ ЁНДАШУВ

*Салимова Ш.Р., магистрант (Қар/Ў)*

Башлангич таълим тизими замонвий моделининг ривожланиш асосини тизimli ва мунозам равишда амалга оширилаган таълимни модернизациялаш доирасида ўқув материал мазмунини янгилash, инновацион жараёнларни жадал ўзлаштириш ташкил этали. Бу эса, ўқитувчи томонидан ўқув материални тизимлаштиришга оид бўлган таянч тушунчаларни турли аспектда, нафақат бир-бирига зидлик, балки бир-бирини ўзаро тўлдириш нуқтаи-назаридан тадқиқ этиш заруратини юзга чиқаради. Мазкур тадқиқотда таянч (асосий) тушунчалар сифатида қуйидагилар кўриб чиқилади: "тизим", "таркибий тузилиш" (структура), "тизимлаштириш", "ўқув материал", "жараён", "ўқув жараёни", "таълим жараёнида ўқув материални тизимлаштириш", "ўқувчилар томонидан ўқув материални тизимлаштирилган ҳолда ўзлаштирилиши", "ўқитувчи томонидан ўқув материални тизимлаштирилган ҳолда тақдим этилиши".

Фалсафий ва психологик-педагогик манбаларда "тизим" тушунчасининг қирқдан ортиқ таърифлари мавжуд бўлиб, уларда асосан икки хил ёндашувни ажратиб кўрсатиш мумкин. 1) "тизим" тушунчасининг яхлитлигини яққол ифодаловчи ёндашув; 2) "тизим" тушунчасининг ўзаро боғлиқ бўлган бир қанча элементлардан иборатлигини ифодаловчи ёндашув.

Маълумки, тизим назариясининг яратувчиси Лео фон

Берталанфи тизимни ўзаро боғлиқ бўлган элементларнинг комплекси сифатида таърифлаган. Тизимнинг ўзига хос белгилари куйидагилар: яхлитлик ва бирлик, сифат муайянлиги, маълум бир таркибий тузилишга эгаллиги (структура), куйи поғоналарнинг юқори поғоналарга бўйсунувчанлиги (иерархия), ўзаро боғлиқлик ва ўзаро таъсир, гомеостаз хусусият (тизимнинг ўз-ўзини тиклаш хусусиятига бўлган интилиши), доимийлик (ёки барқарорлик-ўзгармаслиги), динамикага эгаллиги, очиқликдан иборат.

Тизимнинг бир қанча хусусиятлари [2]да ажратиб кўрсатилган: 1) тизим яратувчи яхлит компонентлардан иборат; 2) тизим элементлари орасида мустаҳкам, такрорланувчи, доимий алоқалар, муносабатлар ва хусусиятлар мавжуд; 3) тизим маълум бир мақсадга эришиш учун яратилади: у муайян мақсадга йўналтирилган тавсифга эга бўлади (сунъий тизимлар) ёки айрим объектив қонуниятларни рўёбга чиқаради (табiiй тизимлар); 4) яхлитлик, қолган барча хусусиятларни ўзида жамлаган ҳолда тизимни бирлаштирувчи омил сифатида намоён бўлади.

Педагог-психологлар (К.Костов, Т.И.Шамова, В.А.Якунин) тадқиқотларининг натижаларига кўра ҳар қандай мураккаб тизимларнинг компонентлари орасида уч хилдаги муносабатлар юзага келади: субординация (компонентларнинг бир-бирига бўйсунувчанлиги, бир тарафлама бўлиши, (яъни, компонентларнинг бири бошқасига бўйсунган бўлиши); корреляция (интердепенденция) - икки тарафлама муносабатлар, ўзаро боғлиқлик, тенг даражалилик; констелляция (бирор бир восита орқали боғланганлик).

Ҳар қандай тизим маълум бир функцияни бажаради ва маълум бир ҳудуд чегарасида ҳаракатланади, ҳудуд чегараларидан чиқиш тизимни деформацияланишга, унинг бузилиб кетишига олиб келади. Шунинг учун ҳам тизимларни муайян мақсадга мувофиқ равишда бошқариш лозим бўлади.

Тизимнинг кўрсатиб ўтилган белгилари, хусусиятлари ва функциялари унинг турларини аниқлаш учун етарли асос бўла олишини қайд этган ҳолда, тизимни куйидагича таснифлаш мумкин: сунъий (инсон томонидан яратилган,

масалан; илмий тадқиқ этиш тизими); табiiй; очиқ (ташки таъсирга (берилувчан) ва ёпиқ (берк) (муҳит билан алоқага киришмайдиган, масалан, идеал, мукамал системалар - мантикий, математик) ва бошқалар.

“Тизим” тушунчасини таснифлашнинг моҳиятини асослаш учун тизимлилик атамасининг семантикаси алоҳида мазмунга эга бўлган айрим кўринишлар шаклида эмас, балки кенг ва кўпқиррали тарзда идрок қилиш орқали ўқув материалларининг таркибий тузилишини такомиллаштириш нуқтаи назаридан тадқиқ қилинади. Ўқув материалларини тизимлаштиришдан кўзда тутилган мақсад, пировард натижада, ўқувчи онгида нафақат тушунчалар, атамалар ва қонунларнинг акс этиши, балки борлик олами яхлит тарзда идрок қила олиш назариясини шакллантиришдан иборат. Бунинг учун эса, ўқувчи назарияни тизим тарзида ўзлаштириши ва ўзи эгаллаган билимларнинг алоҳида элементлари, ўз шахсий тажрибаси, аънаналардан келиб чиқиб борлик оламнинг яхлит тасаввурини ярата олиши лозим бўлади. Мазкур тушунчани ҳар тарафлама ўрганиш натижасида бошланғич синф ўқувчиларида билимларни тизимлаштириш даражасини орттиришга имкон яратадиган асосий усуллар: а) бош ғояни, мазмун асосини белгиловчи унсурларни, мавжуд алоқаларни ажрата билиш; б) ўқув материални структуралаштириш (таркибини шакллантириш); в) ўқув материалининг йирик блоklarини яхлит тарзда етказиш (В.Ф.Шаталов); г) дидактик бирликларни йириклаштириш (П.М.Эрдниева), методологик билимларни ажрата билиш (Л.Я.Зорина).

Тадқиқотимизнинг навбатдаги таянч тушунчаси: “таркибий тузилиш” (“структура”). “Таркибий тузилиш” предмет ва ҳодисаларнинг ташқи кўриниши, бутуннинг таркибий қисмларга ажратилган ҳолдаги таснифи, қисмларнинг макон (фазо) даги жойлашувини ифода қилади. Одатда, ташқи макон (фазо)ни ифодаловчи, муайян миқдорий муносабатларни акс эттирувчи “таркибий тузилиш” ва билим ўзлаштириш жараёнларининг сифати миқдорига асосланувчи ички “таркибий тузилиш” кўпроқ учрайди.

Тизим ва таркибий тузилишнинг юқорида кўрсатиб

Ўтилган белги ва хусусиятлари “Ўқув материали” тушунчасини тадқиқ этиш учун имконини беради. “Ўқув материали”: [1] кўра: ўқув жараёнида қўллашга мўлжалланган, моддий ёки тасавурдаги объектларда ифодаланган мукамал моделлар тизимидир. Мазкур тушунча таркиблаштирилган (таркиби шакллантирилган) маълумотдан иборат бўлиб, ундан таълим жараёнида фойдаланиш мумкин. Ассоциациялашув (тасавур, ҳис-туйғу, фикр ва шу кабиларнинг бир бирини эслатадиган ўзаро боғланиши) орқали алоҳида элементлар ҳақидаги маълумотлар ягона семантик майдонга йиғилади. Маълумки, хотира когнитив системанинг бир қисми бўлиб, маълумотларни сақлаш ва уларни захирадан ишлатиш функциясини бажаради. Ўқувчиларнинг билим олиш жараёнларини ташкил этиш иерархия (қуйи погоналарнинг юқори погоналарга бўйсунishi) тарзида амалга оширилади. Ўқувчининг билим олиш жараёни ўқув топшириқлари тизимини ўзлаштиришдан иборат эканлиги назарда тутилса, ўқув материали бирлиги ўқув топширигида намоён бўлади. Юқоридагилардан келиб чиқиб таъкидлаш жоизки, ўқув материали педагогик нукта-назардан мақсадга мувофиқлаштирилган, ўзлаштирилиши лозим бўлган топшириқ (вазифа)лар тизимидан иборат бўлади. Шунинг учун ҳам ўқув топшириқлари тизимини яратиш ўқув материалларини тизимлаштиришда ўқитувчи фаолиятининг асосини ташкил этади.

Тадқиқотимизнинг навбатдаги таянч ибораси “ўқув материалини тизимлаштириш”. Биз ўқув материалини тизимлаштириш деганда маълум бир тизимда ўрганилаётган объектларга боғлиқ бўлган ўқув материали билан оқилона ишлашни тушунамиз. Бу ўринда ўқув материалларини тизимлаштириш нафақат ўқувчи онгида тушунчалар, атамалар ва қонунларнинг акс этиши, балки борлиқ оламни яхлит тарзда англаш ва тушуна олиш назариясини шакллантириш сифатида рўёбга чиқади.

Ўқув материалларини тизимлаштиришда тушунчаларни тартибли равишдаги бир тизимга келтириш, улар орасидаги муносабатларни аниқлаштириш жараёнлари амалга оширилади. Бу жараёнлар ўқув материали мазмунини турли хил

кўргазмалари воситалари ёрдамида тўлиқ идрок этилгандагина амалга оширилиши мумкин бўлади. Акс ҳолда ўқувчилар янги тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини тўла англамасдан, яъни ўрганилаётган объектга тааллуқли тушунчаларни англамасдан уларни қўллашга одатланиб қоладилар. Бунинг натижасида эса бола тафаккурига ортиқча, қўллашга яроқсиз оғирликлар юкланиб қолади.

Бошланғич синфларда ўқув материални тизимлаштириш ўқув предметининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда турли усуллар билан амалга оширилади. Масалан, ўқиш дарслари ўтирилаётганда кичик мактаб ёшига мос бўлган бадиий асарлардан ибратли ибораларни ўргатишда; математика ўқитишда эса қондалар, қонуниятлар, аксиомалар; табиий фанларни ўқитишда – қонуниятлар, таснифлашларни ўргатишда - тизимлаштириш юқори самара беради. Тизимлаштириш ўқувчиларнинг назарий фикрлашларини ривожлантириш, ўқиб англаш, тушуниш ва амалиёт элементлари таркибини тузиш, элементларнинг ички алоқалари ва муносабатларини очиқ бериш кабиларни шакллантиради. Тизимлаштириш илгари ўрганилган ўқув материални такрорлаш, таълим мазмунининг мақбул ва истикболли алоқаларини ривожлантириш, яъни, билиш жараёнини узлуксиз равишда бойитиб, чуқурлаштириб бориш мақсадига йўналтирилган бўлади. Ўқув материални тизимлаштириш натижасида ўзлаштирилган билимлар шахсининг хотираси, идрокида мустаҳкамланиб боради ва билиш назарияси (гносеология) таркиби билан уйғунлашади. Шундай қилиб, ўқув-билиш назариясининг иерархияси амалга оширилади, яъни, иккинчи даражали, муҳим аҳамиятга эга бўлмаган маълумотлар орасида ўқув материалининг таянч тушунчалари, муҳим ғояларини ўзида жамлаган билимлар асоси шакллантирилади.

Таълим жараёнида ўқувчилар томонидан билимларнинг тўлиқ ўзлаштирилганлигини кўрсатувчи омиллар – мазкур билимларни турли вазиятларда, ҳар хил вариантларда кўпқиррали шаклда интеллектуал ва амалий қўллашдир.

Бошланғич таълим ўқувчиларининг билим олиш ва ўзлаштириш жараёнларидаги ўқув материални тизимлашти-

риш қуйидаги компонентларга боғлиқ: а) тизим яратувчи (ўқувчи ва унинг фаолияти); б) тизим ташкил қилувчи (мақсад, вазифа, таълим принциплари); в) мазмун (ўқув материали); г) технологик, яъни, амалга ошириш жараёналари (таълим жараёни, методлар, усуллар, техник жиҳозлар, шакл, таълим воситалари), натижавийлик (таълим жараёнининг махсули). Ҳуқуқ материалини тизимлаштириш борлиқ муҳитини ашланнинг усули каби амалга оширилади ва у эмирик ҳамда назарий билимлар тарзила амалга оширилади.

Тизимлаштириш ашлан ва тушунишнинг рационал инструменти сифатида ўзининг асл мазмун-моҳиятини назарий ашлан, назарий фикрлаш даражасининг элементи сифатида намоён этади ва бунда лантикий фикрлашнинг барча методларидан – анализ, синтез, қислаш, таснифлаш ва бошикалар қўлланилади. Моделлаштириш натижасида тегишли фанлардаги билим объеклари мазмун-моҳиятини очиб берувчи тизимларнинг аналоглари бўлган илмий-дидактик тизим яратилади [3,27-5].

Назарий жиҳатдан тизимлаштириш ҳар хил даражадаги иерарх тузилмага эга бўлган турлар, тушулчалар, тоялар, фикр-мулохазалар, назариялар, тахминларни шакллантиришга йўналтирилган ва юқорида санаб ўтилганлар орасида мавжуд бўлган, ахамиятга молик муносабабларни очиб беради. Билимларни тизимлаштиришда назарий тахлил таркибий тузилиш, функционал, генетик муносабабларни, яъни, муҳим ахамият касб этадиган муносабабларни ажрата билишни таказо этади. Назарий тахлил солда, қисмларга ажратувчи тахлилдан ўзининг мавзуни мавҳумлаштириши (абстракциялаш) билан ажралиб туради.

Тизимларнинг функцияларини тахлил қилишнинг хулосаси сифатида айтиш мумкинки, тизимлаштириш алоҳида амалга ошириладиган жараён эмас ва у лантикий усуллар жамланмаси сифатида рўёбга чиқарилади.

#### **Адабиётлар:**

1. Баранов С.П. Использование знаков и символов в понимании младшими школьниками художественного образа / С.П. Баранов, А.Ж. Овчинникова. – М.: МПГУ, 2003. – 167 с.

2. Костов К. Методология научного познание. - Благоевград: Югозападный университет «Н. Рилски», 1993. - 123 с.
3. Шодиев Р.Д. Методолого – дидактические основы анализа учебных текстов. -Тошкент. «ФАН», 1998. -134 стр.

## ЎЗБЕКИСТОН ПСИХОЛОГИЯСИДА МУЛОҚОТ МУАММОСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

*Исмоилова Г., талаба*

*Э.Ғозиев (ҚарДУ)*

Бугунги кунда психология фани ўрганадиган энг асосий масалалардан бири мулоқот муаммоси бўлиб қолди. Айниқса, мамлакатимиз истиқлолга эришгач ёшларни янгича ижтимоий муносабатларга тайёрлаш, давр руҳида тарбиялашнинг энг долзарб ва устувор вазифасига айланиши олимларимиз олдида бу муаммони янада чуқурроқ ўрганиш вазифасини юқлади. Бу муаммо айниқса, республикаимиз психолог олимлари томонидан ҳам атрофлича ўрганила бошланди. Бу соҳада мамлакатимизнинг етакчи олимлари Э.Ғозиев, М.Давлетшин, Ғ.Шоумаров, В.Каримова, А.Жабборов, Ш. Баратов, З.Нипонова, М.Маматов ва бошқаларнинг илмий ишлари маълум. Улар муаммонинг инсон ҳаётида тутган ўрнини аниқлаш, турли ижтимоий фаолиятлар шароитида самара берадиган муомала турлари ва услубларини ишлаб чиқиш, унинг соф психологик механизмларини тадқиқ этиш бўйича бир қатор илмий тадқиқот ишларини олиб бордилар.

Атоқли психолог Э.Ғозиевнинг мулоқот муаммосига бағишланган тадқиқот ишлари психология фани учун катта аҳамиятга эга. Муаллифнинг фикрича, мулоқот кишилар ўртасидаги ўзаро алоқа ўрнатиш ва ривожланиш жараёни бўлиб, бу жараён уларнинг ўзаро ҳамкорлик қилишига нисбатан эҳтиёжлари асосида вужудга келади. Бунинг учун ҳар бир инсон турли ёшдаги, жинсдаги инсонлар билан мулоқотга киришиш учун мулоқот мароми, муомала турлари, таркиблари, нуткли ва нутксиз (сўзсиз) воситалар билан яқиндан танишиши, этник хусусиятлари, миллий анъаналар ҳамда расм-